

Ўзбекистон — келажак буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 6 октябр жума

Сотувда эркин нархда № 199 (2496)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАЪҚАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ВАТАН ҚУДРАТИ — ФИДОЙИ МЕХНАТИМИЗГА БОҒЛИК

«Косонсой-Текмен»... Наманган саноатининг байроқдори бўлиб қолган ушбу қўшма корхонанинг тезда оёққа туриб олишида хорижий ишбилармонлар, жаҳондаги нуфузли банклар киритган сармоялар ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Жунни қайта ишлаш ва жаҳон андозаларига мос палтобоп, костюмбоп газламалар ҳамда калава ип тайёрлашга ихтисослашган «Косонсой-Текмен» ўз салоҳияти жиҳатидан Марказий Осиёда ноёб корхона. Яқинда Европа тиклиниши ва тараққиёт банкининг бир гуруҳ вакиллари бу ерга ташриф буюриб, амалга оширилайётган ишлардан қониқиб ҳосил қилдилар.



## ХОРИЖИЙ САРМОЯ — ТАРАҚҚИЁТГА ДОЯ

Эслатиб ўтайлик: мазкур банк қўшма корхонанинг 15 миллион АҚШ долларига тенг акциялар пакетини сотиб олиб, лойиҳалар ижроси учун 14 миллион доллар миқдоринда кредит ажратган. Хўш, иқтисодий ҳамкорлик амалда қандай самара берадими? Меҳмонларни кўпроқ ана шу масала кизиқтирди. Ахир, сармоядор ўзи ажратган маблағ ниямаларга ва қай тарзда сарфланаётганини билгиси, қўзи билан кўргиси келади-да. Банк бондиотти Антонио Коста, ижроичи директор Вилгелм Жак ва бошқалар хомашини ювишдан тортиб, тайёр газлама ва калава ипларни жўнаштиришга бўлган жараёнлар билан бирма-бир, атрофлича танишдилар. Ҳаммаси рисоладагидай. Айниқса, корхонанинг қисқа муддатда тўла қувватга эришгани, жаҳон андозаларига мос тикувчилик буюмлари тайёрлашга киришилгани меҳмонларни мамнун

эди. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Асосий таъсирчилар — Туркиянинг «Тим» фирмаси ҳамда Косонсой шойи тўқич фабрикаси раҳбариятининг қатъияти, меҳнат жамоасининг гайратли ва ақиллиги ютуқларга муҳим омил бағишламоқда. Ишлар кўламиди дастлаб фойдаланишга топширган бош корхонанинг ўзидан 1500 га яқин киши меҳнатга жалб этилганидан ҳам билиб олиш қийин эмас. Яна бир гап. Шу йилнинг эъти ойда 5 миллион 291 миң АҚШ долларига тенг миқдордаги маҳсулот экспорт қилинди. Хариidorлар асосан Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Шарқий Европа мамлакатларидир. Утган

ойда Россияга ҳам анчагина маҳсулот жўнатилди. — «Косонсой-Текмен»нинг бугунги салоҳиятини кўриб, сарфлаган сармоямиз ўрнини тоғанига чин дилдан ишондик, — дейди бондиот Антонио Коста. — Ушбу қўшма корхона энг интизомли шериклардан бири сифатида биламиз. У кредит тўловларини-да жойига қўяпти. Шунинг учун корхонада амалга оширишга киришилган 200 миллион АҚШ доллари қийматидаги «Демо-2000» лойиҳаси ижросига ҳам кўмаклашишга аҳд қилдик. Қараган, у рўёбга чиқса, яна олитта корхона ташкил этилиб, қарийб 12 миң ишчи ўрни яратилад экан. Биз тараққиёт йўлига чиқиб олган Ўзбекистонга 18

та инвестиция лойиҳаси тақдим этганмиз. Уларни амалга ошириш учун 600 миллион АҚШ доллари миқдоринда маблағ ажратилган. Сармояларнинг маълум қисмини ўрта ва кичик корхоналар ташкил этиш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш учун йўналтиришмоқчимиз. Бундан ташқари, Тошкент аэропортини таъмирлаш, Самарқанд ва Бухорода муҳим иншоотлар қуриш, Фарғона нефтини қайта ишлаш корхонасини ривожлантириш учун ҳам маблағ ажратиш ниятимиз бор. Дарҳақиқат, режалар катта. Банк вакиллари «Косонсой-Текмен» билан шерикчиликни яна икки йўналишда давом эттирадиган бўлишди. Яъни, янги лойиҳалар ижроси учун ҳам кредит ажратилади, ҳам ҳиссадор шаклида маблағ берилади. Шунинг ўзи қўшма корхона истиқболлиги ишонч ортаётганидан далолат эмасми? Европа тиклиниши ва тараққиёт банки ўзининг кенгаши йиғилишларидан бирини 2003 йилда Тошкентда ўтказишни режалаштирган. Бундан мақсад мамлакатимиз ишбилармонлари ва тадбиркорлари билан иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, киритилётган сармояларни кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ йўналишларни белгилаб олишдан иборат.



Хамкорлик

Кудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кураш бўйича «Ислом Каримов турнири» иштирокчиларининг Халқаро кураш ассоциацияси фахрий президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига мурожаати

Муҳтарам Президент жаноби олийлари!  
Буюк Британиянинг Бедфорд шахрида биринчи «Ислом Каримов турнири»нинг ташкил этилиши Сизнинг ўзбек курашининг жаҳондаги оламшумул ривожига қўшаётган улкан ҳиссангизнинг ёрқин эътирофидир.

Биз, кураш бўйича биринчи «Ислом Каримов турнири» иштирокчилари Сизнинг бевосита ташаббусингиз ва раҳнамолангизингизда ўзбек кураши жаҳонга юз тутганлиги, Буюк Британияда ҳам ўзининг кўп сонли мухлисларига эга бўлгани ва бугунги кунда дунёнинг кўлаб мамлакатларида тобора оммавийлашиб бораётганлигини мамнуният билан қайд этамиз.

Шуни ишонч билан таъкидлашимизки, «Ислом Каримов турнири» Буюк Британияда анъанавий халқаро турнир мақомига эга бўлади ва янги миң йилликда дунёда ўзбек кураши довуруғининг янада ортишига, жаҳон халқлари ўртасидаги дўстлик ва биродарликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Сизга ҳурмат бажо келтириб ва соғинамиз.

Биринчи «Ислом КАРИМОВ турнири» қатнашчилари

Бедфорд шахри, Буюк Британия. 2000 йил 2 октябр

## ҲАР БИР КУН ГАНИМАТ

Навоий вилояти ҳокимлигида пахта йиғимтерими ва қузги галла экишнинг боришига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Ф.Дилов бошқарди.

Айни кунларда вилоятда қузги бошоқли дон экинлари экиш ишлари ҳам жадвал олиб борилмоқда. Хўжаликларда 2001 йил ҳосили учун 40 миң гектар майдонга галла экилади. Бу ишлар Навбахор, Қонимех, Қизилтепа туманларида намунали ташкил этилган бўлса-да, Хатирчи, Навоий, Нурута туманларида аҳоли қониқарсиз. Йиғилишда қузнинг ҳар бир кунини ганимат билиб, пахта ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, галла экишни белгиланган муддатларда якунлаш юзасидан чоратадбирлар белгиланди.

Жорий йилда вилоят меҳнатқашлари 41 миң гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 115 миң тонна пахта етиштириш мақсадида жонбозлик кўрсатмоқда. Қизилтепа, Навбахор туманлари пахтакорлари кундан кунга терим суръатини ошириб, вилоятда қарвонбозлик қилаятилар. Хозиргача ўндан зиёд ширкат ва элликка яқин фермер хўжаликлари йиллик шартнома режасини бажарди. Бироқ Хатирчи ва Навоий туманлари хўжаликларидан турли баҳоаналар билан йиғим-теримда сусткашликка йўл қўйилмоқда.

Республика Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини Т.Холтоев йиғилишда сўзга чиқди.

Ёрқул УМАР, Ўза мухбири

## “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — БУЮК КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ”

Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамкорликда ташкил этган ижодий гуруҳларнинг мамлакатимиз бўйлаб ўтказаятган учрашувлари гоё самарали бўлмоқда.

«Юксак маънавият — буюк келажак пойдевори» мавзуда ўтказилган бундай тадбирлар ёшларимиз онгида миллий гоё ва миллий мафкура асосларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чунончи, Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри жамоаси неғизда тузилган гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ижодий сафарда бўлди. «Ўзбектеатр» билан ҳам бир вақтда Гуруҳ аъзоларининг раҳбарлигидаги Гуруҳ таркибида Ўзбекистон халқ артисти З.Мухаммадзонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ш.Исмоилова, Б.Мухаммадқаримов ҳамда иқтидорли санъаткор М.Мухторова бор эди.


Гуруҳ аъзолари Қорақалпоғистон Республикасининг энг олис туманларидан бири Бўзатовда намойиш этган бадиий дастур йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Айниқса, Усмон Азимнинг «Кундўзсиз кечалар» спектаклидан кўраётган лавҳа кўчликни хаяжонга солди. Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Примуков Қодировнинг «Бобур» асарлари асосида сахналаштирилган спектакллардан лавҳалар, Ватан, дўстлик, ота-онага ҳурмат мавзудаги бадиий ўқишлар мухлисларни мамнун этди. Гуруҳ аъзолари олис Беруний туманига ҳам сафар қилдилар. Бу ердagi учрашувларда опера санъати юлдузи М.Раazzoқова ҳам иштирок этди.

Хоразм вилоятидаги учрашувлар Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан мулоқотдан бошланди. Гуруҳ аъзоларининг Хива шаҳри ўқитувчилари ва мураббийлари билан учрашувлари ҳам гоё қизиқarli ўтди. Санъаткорлар Ўзбекистон Қаҳрамонли Машари Кувовок раҳбарлик қилаётган «Ботот» жамоа хўжалигини ташриф буюриб, «оқ олтин» бунёдкорлари билан мулоқотда бўлдилар.

Б. МАНСУРОВ, Ўза мухбири

## ...ДАВЛАТ ҲАМ ЭГИЗ

### Репортаж



Пахта — 2000

Олтин куз чор-атрофга ўз сепини ёйди. Дов-дараклар яшил «қўйлақ»ларини тилла ранг «эгни-бош»га алиштириб бошлади. Бу фаслда қайга борманг, ким билан гаплашманг, галати беҳаловатлик ва ажиб бир ташвишнинг шохиди бўласиз. Бунинг хайрли сабаби бор: юрда пахта йиғимтерими авж паллага кирди.

Боёвут туманидаги Усмон Юсупов номили ширкатлар уюшмаси нафақат туманда, балки вилоятда ҳам катта қарвон хўжаликлардан ҳисобланади. Ушбу йилда сув таъминоти ҳам четлаб ўтмади. Шунга қарамадан уюшма деҳқонлари 6 миң тонналик хирмон уйиш иштиникида астойдил меҳнат қилышаяпти.

Моддий манфаватдорлик бор жойда меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади. Хар бир меҳнатчи бугун кечадан, эртага бугунгидан қўра унумлироқ ишлашга ҳаракат қилади. «Дўстлик» ширкат хўжалиги Термиз туманидаги уруғчиликка ихтисослашган бўлиб, 732 гектар ерда деҳқончилик қилади. Ингичка толали пахта топшириш йиллик режасини биринчилар қатори бажарган ушбу жамоада ҳар гектар ердан қарийб 35 центнердан ҳосил қўтарилди. Табиийки, моддий манфаватдорлик ҳам, меҳнат унумдорлиги ҳам ортади. Хўжалик деҳқонларининг мақсади ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш. Бунинг учун имконият ҳам, ҳосил ҳам етарлиди.

СУРАТДА: хўжалик раҳбари Жўмурод Ерматов «Шухрат» медали соҳибиди, бригада етакчиси Давлат Жумаевни тақдирлаётган пайт тасвирланган. Тоҳиржон ҚАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Тоҳиржон ҚАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## “ДИНИЙ ТУТУВЛИК — СЎБЎСЎЙ БАҚҚАРАҚЛИК”

Самарқанд вилоят ҳокимлигида ана шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди. Унда ҳокимият вакиллари, масжид имомлари, турли дин конфессияси мансуб бўлган ўндан ортиқ диний ташкилотлар раҳбарлари, «Махалла», «Нуруний», «Қамолот» жангарлари вакиллари иштирок этди. Тинчлик ва инсонпарварлик борасида мамлакатимизда кечаятган сўбўсўй жароғи, қалқор терроризм ва экстремизмга муносабат, Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги Фармонининг аҳамияти, фуқаролар ўртасидаги диний ва миллий тўтувлик масалалари йиғилиш иштирокчиларининг диққат марказида бўлди. Айниқса, ишларни тўғри йўлга бошқариш, уқув муассасаларида, махаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиришга алоҳида ургу берилди.

У.Р.УЗИЕВ, Ўза мухбири.





Она юртимиз Ўзбекистон жаннатмакон боз бўлса, Наманган ундаги ажиб бир гулзорга ўхшайди...

көкса, 116 ёшли бу «Боги Эрам» таърифида кўп яхши гаплар айтилган...

ри бор. Наманган шаҳри ўртасидаги бу боз жуғрофий жиҳатдан шундай жойлашганки...

# ГУЛШАН АРО БИР ГУЛ

Маълум бўлишича, Наманган хуснига ҳолдек ярашиб тушган бу боғнинг барпо этилган даври XIX асрнинг охирига тўғри келади...

ни зиёрат қилган биз, бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари ўз таассуротларимизни ушбу мисраларда баён этамиз:

Дикқатга сазовор томони шундаки, бундай битиклар орасида оддий ўқувчию зиёллардан тортиб, ишчи ва дехконларгача, қўйинчи, Франция ва Германия, Ҳьетнам ва Бангладеш, Чехословакия ва мўғулистонлик меҳмонларнинг ҳам қалб сўзла...

этади. Унинг 14 та эшик ва дарвозаси бор. Боз директори, тадбиркор ва ташкилотчи йигит Ҳамиджон Дадабоев биз билан суҳбатда шундай дейди:



Истиқлол шарофати

Анъанавий «Гул байрами» эса мана қирк йилдан бери давом этиб келяпти. Дастлабки гул байрамларини ташкил этишда ва хиёбону кўчаларни анъоний гулларга бурқашда Мелихон Иброҳимова, Турсун Рўзиева, гулчилик касбининг усталари — асримиз бошидаги Тўқмуллаевлар сулоласидан тортиб, Нуриддин хожию Абдухалил ота, Халимбой ака, Абдуқодиёр Насриддинов, Йўлдошбой Раҳимов, Эшондада Алихоннов, Исроиљон Исмоилов каби захматқаш кишиларнинг хизматлари катта бўлган бўлса...

Ҳабиб САДУЛЛА, Ўзбекистон халқ шоири. Олий Мажлис депутаты. Эркин УСМОНОВ, ёзувчи.

Ривоят. Қўшни ким ва қайси миллат бўлишидан қатъи назар уни ҳурмат қилмоқ ва қўшни ҳақ-ҳуқуқини адо қилмоқ одабийлик ҳислатларидан биридир.

Фойдали маслаҳатлар КИЙИМИНГИЗГА ДОҒ ТУШСА... Сиз ёқтирган костюшминингиз эскириб доғ тушди. Уларни аввал ароқ ёки овқатта солинадиган сирка билан артиб, сўнгра тиш чўткасида тараб, хона ҳароратида қуритиш лозим.

ҲИҚМАТ. Юз миллатнинг китобини ўқиса ҳам омидир, Одабийлик китобини ўқимаса ҳар киши!

КАЛБИМДА ЯНГРАГАН ОҲАНГ. Бўладиган бола бошдан маълум деганлари айни ҳақиқат. Тошкентлик Тошмуҳаммад ака ўғил борди. Сўнгра Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида ва Муҳтор Ашрафий номили Тошкент Давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик бўлимида олган таҳсиллари унинг мусиқий билимини янада бойитди.



Санъатимиз жонкуярлари. Ижодий фаолиятини М. Қориеқубов номили Ўзбек давлат филармониясининг «Шодлик» ансамблида ғижжакчи-созандаликдан бошлаган Муҳаммаджон Мараҳимовни бугун санъат шинавандалари бастакор сифатида ҳам яхши танийди.

мусиқаларга солиб кўраман. — дейди у бизнинг «Илҳомингиз қачон келади?» — деган саволимизга жавобан. — Бора-бора қалбимда бир наво, яъни куй шакллана бошлади. Сўнг уни нотага кўчирдим. Бугунги кунда кўпгина ёш ижрочилар мусиқа танлашни билишмайди. Эрон, ҳинд, турк мусиқаларини аралаштириб, ўзбек мусиқаси деб тақдим этадилар. Мусиқада миллийликнинг етишмаслиги ана шундан. Устозларим — Вақил Иброҳимов, Мурод Тошмуҳаммадов, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов, ҳозирда ўзим ишлаб турган «Ўзбекистон» ансамбли мусиқа раҳбари, республикада хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров билан ҳамкорлиги яхши самара бераётир.

Чунончи, Н. Ҳайдаров ўтган йили «Ўзбекистон — Ватаним меним» қўшиқ байрамида М. Мараҳимов мусиқа басталаган «Юртим — умум Туркистон» қўшигини айтиб, иккинчи ўринни олди. Муҳаммаджоннинг ўзи эса биринчи минтақавий макомчилар кўригида «Шашмақом»даги асарларидан намуналар ижро этиб, биринчи ўринга сазовор бўлганди.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

## Шахмат хангомалари

«Кўриб турибди-ку?!» Бир сафар машҳур немис гроссмейстери Земиш кичкина клубнинг бирида тахталарни кўрмай, бир йўла сеанс ўтказди. Томошабинлар орасида ёши улғурроқ бир хоним ҳам бор эди.



ДУРАНГ қила оласизми? Оқлар бошлаб дуранг қилади.

ШАХМАТЧИДАН ЖИНОЯТЧИ ЧИҚМАЙДИ. Император Павел I шахматни жуда севган. Бир кун кишилик саройга қандайдир сиёсий махбусни келтиришди.

Павел уни кўрган захоти: — Шахмат ўйнашни биласанми? — деб сўради. Император анчагина кучли шахматчи эди, лекин шунга қарамай теъда кетма-кет уч бор ютқазиб қўяди.

КИШТ — У МОТ! Жаҳон чемпиони Стейницнинг ашаддий мухлисла-ридан бўлган икки профессор халқаро турнирда эришган ғалабаси билан уни табриклашга келишди.

«БУНИ ҚАРАНГ-А...» АҚШ президенти Линкольн ўзи ёмон ўйнаса-да, шахматни жуда севган. Бир кун у меҳмонхонага ташриф буюрди-да, шахматга кўзи тушгач, меҳмонхона ҳўжайинига бир-икки қўл ташлашни таклиф этди.



Хотин, қўлларингга нима бўлди, бозордан келдингми?

ЭНГ. КАТТА ДЕНГИЗ сифатида Жанубий Хитой денгизи тан олинади. Унинг майдони — 2974600 квадрат километр.

ЭНГ. КАТТА ЧЎЛ Африка қитъасининг шимолий қисмини эгаллаган Сахрои Кабир ҳисобланади. Унинг майдони 8400000 квадрат километр бўлиб, бу умумий куруқлик майдонининг салкам саккиздан бирига тенг демакдир.

ЭНГ. КўП ҚОР бир йил ичида — 1971 йилнинг 19 февралидан 1972 йил 18 февралга қадар АҚШнинг Вашингтон штатидаги Рейнер тоғи ҳудудида ёғди. Ёғингарчилик бу ерда йил давомида ўртача 31102 миллиметрни ташкил қилди.

ЖУМБОҚ. Бир сайёҳ ўрмонда адашиб, айлана-айлана ўрмондан ўтган сув қувурига дуч келиб қолди. Албатта, ундан оқётган сув одамлар яшайдиган жойга боради. Лекин сайёҳ қандай қилиб қувурдаги сувнинг қайси томонга оқишини билиб олиши мумкин?



ТОРСУНА-ХОСИЯТЛИК ҚҚ. АЛЮМИН БУРАМА ҚОПҚОҚЛАР. АЖ-08-27.8. ТАЙЕРЛАШ БЎЙИЧА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО». МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маъжаси. Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ. Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб), М. ЕГОРОВ (масъул котиб), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАҲРОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), У. ҲОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, Хўж, Иқтисодиёт, Маънавият ва маърифат, Хатлар, Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар, Аxbорот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик, Халқаро ҳаёт, Котибият, Эълонлар.